

С.Султанов

2022 йил



Нашанганд вилоят макаллйи бюджетни маблагчари хисобдан курнишларни объектлар бўйича  
(Вазорид Максатасининг 2022 йил 26 шавтодек 26-дуганинг наимасини 2022 йил 29 марта кундан 4-Ф-сенинг физикониагари асоси)

**М А Н З И Л И Й Р Ъ Й Х А Т И**

№	Объектларниг поччи ва жойзашуни бошланнига топшириш йили	Объектнинг жумий киймати (парнома хосаси) жумладан, буортмачи бонка харакатлари	Лойиха куввати Курнишни харакатлари	01.01.22 й., хозяйнга йилдан йилга жувчи объектнинг кайта хисоблаш бонлини колдик кийматин жумладан, буортмачи бонка харакатлари	01.01.22 й., хозяйнга йилдан йилга жувчи объектнинг кайта хисоблаш бонлини колдик кийматин жумладан, буортмачи бонка харакатлари	Конкага қўйинларни 2022 йилдаги истикболи фойдаланишга топширилдиган	2022 йилда хозяйнга йилдан жувчи объектнинг кайта хисоблаш бонлини колдик кийматин жумладан, буортмачи бонка харакатлари	Шу жумладан буюртмачи харакатлари	2022 йилда хозяйнга йилдан жувчи объектнинг кайта хисоблаш бонлини колдик кийматин жумладан, буортмачи бонка харакатлари	КМН	Жихозлар	Кувват/муддат	Асосий фонд суммаси	Лойиха экспертиза санаси ва раками	Пулдрагчи курвчи ташкилотноми			
Наманган шаҳрида жойлашган Мангулик 2022 йил 2-квартина жойлашган шитон курниши ва обзорашнишириш	Объект	333.000 21,768	333.000 21,768	333.000 21,768	333.000 21,768	333.000 311,232	21,768 3,310	Объект								11.04.2022й №5940	13.05.2022й №80608	"ЛОЧИН ТАВИР КУРИЛШ СЕРВИС"ЧЖ
<b>Жами</b>						333.000 311,232	21,768 3,310											

Вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи  
ижиннинг компанияси директори

Д.Матмуаев



# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 80608 на приобретение Наманган шахрида жойлашган Мангалик қабристонида шипон қуриш ва ободонлаштириш

Способ проведения электронный

Дата 13.05.2022

Время рассмотрения 11.05.2022 19:57

Конкурсная комиссия Вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи инженеринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MATMUSAYEV DILSHOD MAXAMMATYUSUPOVICH	Директор	Наманган вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси
<b>Секретарь комиссии</b>	RIZAYEV G'OFIRJON G'ULOMJONOVICH	бош мутахасси	вилоят хокимлигининг ЯБИК
<b>Член комиссии</b>	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	ўринбосар	Наманган вилоят курилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси
<b>Член комиссии</b>	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	бош мутахассиси	Монополияга қарши курашиб қўймитасининг Наманган вилоят худудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	бўлим бошлиғи	Наманган вилояти инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Бош мутахассиси	Наманган вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.05.2022 года № лота 80608.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Работы по строительству и реконструкции других сооружений
Подробное описание	Ободонлаштириш ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	231 800 000.00
Стартовая сумма	231 800 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Работы по строительству и реконструкции других сооружений

Подробное описание	Ободонлаштириш ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	82 623 812.00
Стартовая сумма	82 623 812.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи 3-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО QALDIRG` OCH TA`MIR QURILISH</b>	20	313923000	10	Экспертная		
<b>ЛОЧИН ТАЪМИР КУРИЛИШ СЕРВ. МЧЖ</b>	20	311232410	19	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО QALDIRG` OCH TA`MIR QURILISH</b>	5	313923000	5	Экспертная		
<b>ЛОЧИН ТАЪМИР КУРИЛИШ СЕРВ. МЧЖ</b>	5	311232410	5	Экспертная		

Критерий №3 Хужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш хукуқини берувчи ишончнома 9-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО QALDIRG` OCH TA`MIR QURILISH</b>	2	313923000	1	Экспертная		
<b>ЛОЧИН ТАЪМИР КУРИЛИШ СЕРВ. МЧЖ</b>	2	311232410	1	Экспертная		

Критерий №4 Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО QALDIRG`OCH TA`MIR QURILISH</b>	20	313923000	15	Экспертная		
<b>ЛОЧИН ТАЪМИР КУРИЛИШ СЕРВ. МЧЖ</b>	20	311232410	15	Экспертная		

Критерий №5 Машина ва механизмлар рўйхати 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО QALDIRG`OCH TA`MIR QURILISH</b>	21	313923000	15	Экспертная		
<b>ЛОЧИН ТАЪМИР КУРИЛИШ СЕРВ. МЧЖ</b>	21	311232410	16	Экспертная		

Критерий №6 Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўргангандик тўғрисида маълумотнома 8-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО QALDIRG`OCH TA`MIR QURILISH</b>	2	313923000	1	Экспертная		
<b>ЛОЧИН ТАЪМИР КУРИЛИШ СЕРВ. МЧЖ</b>	2	311232410	1	Экспертная		

Критерий №7 Ташкилотнинг ташкилий структураси ва Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 2-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО QALDIRG`OCH TA`MIR QURILISH</b>	15	313923000	12	Экспертная		
<b>ЛОЧИН ТАЪМИР</b>	15	311232410	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>КУРИЛИШ СЕРВ. МЧЖ</b>						

Критерий №8 Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО QALDIRG`OCH TA`MIR QURILISH</b>	15	313923000	13	Экспертная		
<b>ЛОЧИН ТАЪМИР КУРИЛИШ СЕРВ. МЧЖ</b>	15	311232410	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ЛОЧИН ТАЪМИР КУРИЛИШ СЕРВ. МЧЖ</b>	314 423 812.00	311 232 410.00	10.05.2022 16:06:15	100.00
<b>ООО QALDIRG`OCH TA`MIR QURILISH</b>	314 423 812.00	313 923 000.00	10.05.2022 15:49:59	99.14

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ЛОЧИН ТАЪМИР КУРИЛИШ СЕРВ. МЧЖ</b>	Прошел	100	100
<b>ООО QALDIRG`OCH TA`MIR QURILISH</b>	Прошел	99.14	99.14

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 80608 от 13.05.2022 года на приобретение Наманган шахрида жойлашган Мангулик қабристонида шипон куриш ва ободонлаштириш определила победителем:

**ЛОЧИН ТАЪМИР КУРИЛИШ СЕРВ. МЧЖ**  
206781436

и резервный исполнитель: ООО QALDIRG`OCH TA`MIR QURILISH (301550977)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	

Член комиссии	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	Согласен	
Председатель комиссии	MATMUSAYEV DILSHOD MAXAMMATYUSUPOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“18”май 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжинииринг компанияси томонидан 2021 йил “30” апрелдаги 22110012080608-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган шахрида жойлашган Мангулик қабристонида шипон қуриш ва ободонлаштириш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича «ЛОЧИН ТАЪМИР КУРИЛИШ СЕРВИС»МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Ташкилоти раҳбари



Д.Матмусаев



УТВЕРЖДАЮ  
Директор ИК ЕЗ Наманганского  
областного хокимията

Д.Матмусаев

от " " 20 г.

ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

Раздел I. Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки	#ССЫЛКА!	
2. Отрасль	Прочие	
3. Инвестор	За счёт местного бюджета	
4. Заказчик	Инжиниринговая компания Наманганского обл.хокимията	
5. Разработчики		
5.1. ТЭО		
5.2. ПСД и/или ТД	ПСД	
5.3. Экспертизы	#ССЫЛКА!	
6. Генеральный подрядчик	#ССЫЛКА!	
7. Источник финансирования	За счёт местного бюджета	
8. Срок начала и окончания строительства	1-кв 2021 г	
9. Основные показатели стройки	По ПСД	Остаток на 1.01.2021 г.
Мощность (в соответ.единицах измерен.)	Объект	Объект
Основные фонды	333,000	333,000
Капитальные вложения	333,000	333,000
Строительно-монтажные работы	311,232	311,232
Оборудование, инвентарь		
Прочие работы и услуги	18,458	18,458
Содержание службы заказчика	3,310	3,310

Прогноз на 2021 год в соответствии с согласов. с ММЭС и МФ адресным списком	в договорных ценах (млн.сум)	
Мощность (в соответ.единицах измерен.)	Объект	
Основные фонды	333,000	
Капитальные вложения	333,000	
Строительно-монтажные работы	311,232	
Оборудование, инвентарь		
Прочие работы и услуги	18,458	
Содержание службы заказчика	3,310	

Раздел II. Поквартальная разбивка прогноза на 2021 год

(в текущих ценах, млн.сум)

	Всего на год	в том числе по кварталам:			
		1	2	3	4
Ввод мощности	Объект		Объект		
Основные фонды	333,000		333,000		
Капитальные вложения	333,000		333,000		
Строительно-монтажные работы	311,232		311,232		
Оборудование, инвентарь					
Прочие работы и услуги	18,458		18,458		
Содержание службы заказчика	3,310		3,310		

Заказчик:

Начальник отдела компании

Н.Абдуллаев



Подрядчик:  
Начальник  
"ЛОЧИН ТАЪМИР  
КУРИЛИШ СЕРВ"МЧЖ

С.Насимов

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ  
№ 80608**

**2022 йил 16 май**

**Наманган ш.**

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Наманган вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи-инжиниринг компанияси** номидан **Низом** асосида иш кўрувчи компания директори **Д.М.Матмусаев** бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Лочин таъмир қурилиш сервис» МЧЖ номидан **Низом** асосида иш кўрувчи жамият рахбари **С.Насимов**, иккинчи томондан **Наманган шаҳрида жойлашган Мангалик қабристонида шийпон қуриш ва ободонлаштириш** обьекти бўйича ишларини бажаришга доир мазкур пурдат шартномасини тузиб имзоладилар.

**I. Тарифлар.**

**1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:**

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиягли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтнинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтнинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиши – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси.**

**2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойихада кузда тутилган Наманган шаҳрида жойлашган Мангалик қабристонида шийпон қуриш ва ободонлаштириш обьекти бўйича ишларини бажариш мажбуриятлари олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар хисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.**

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

**3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар, танлов (тендер) савдоси натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг 2022 йил 13 майдаги №80608-сонли баённома (лот №77634) билан тасдиқланган ишлар қиймати ҚҚС билан **311 232 410** (уч юз ўн бир миллион икки юз ўттиз икки м инг тўрт юз ўн) сўмни ташкил этади. 2022 йилда шартномани ажралмас қисми бўлган молиялаштириш графиги ва тасдиқланган манзиллий дастурга асосан 311 232 410 сўм маблағ молиялаштириб берилади.**

**4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:**

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

**5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.**

**6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.**

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

курилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дараҳатларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдони қўриклини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-иловага мувофиқ инвестор томонидан ажратилган маблағлари хисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Агарда инвестор томонидан ажратилган маблағ ушбу объект бўйича етарли бўлмаса буюртмачи ушбу объект бўйича маблағ тўлашга жавобгар бўлмайди;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Тендер, танлов савдолари натижаси бўйича объектни фойдаланишга топшириш муддати 30 кун.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 фоизи - 93 369 723 (тўқсон тўққиз миллион уч юз олтмиш тўққиз минг ети юз йигирма уч) сўмни ташкил этиб, аванс маблағлари белгиланган тартибда молиялаштирилади.

15. **Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш** жадвал (2, 3 - илова)лари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, қурилиш даврига берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, инвестор томонидан маблағ билан таъминлагандан сўнг объектнинг умумий, шартномавий - жорий қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилиши кўзда тутилиб, шундан 5 фоизи объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги давлат қабул комиссиясининг далолатномаси, фойдаланишга қабул қилинганлиги хақидаги қарор ва азвоз тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

17. Мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан сўнг қолган 5 фоизли кафолат қийматини молиялаштириб берилиши хақида далолатнома ёки розилик хати тақдим этилганда объект шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи инвестор томонидан ажратилган маблағ хисобидан молия йили тугагунга қадар тўлаб берилади.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишида хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

21. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишида қатнашади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишида ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

27. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

30. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда

уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

31. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёргирига Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиiddий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Зарур ҳолларда тендер қийматидан чиқмаган ҳолда, объектдаги иш турларини белгиланган тартибда ўзгартириш мумкин.

## IX. Ишларни кўриқлаш

38. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

39. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолатлари

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишида узайтирилади.

41. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

42. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш**

43. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

44. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

45. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. Кафолатлар**

47. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

48. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида **12 ой** этиб белгиланади.

49. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида нуқсонлар аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимидан назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хуқуқига эга.

50. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши «Қурилишсоҳасиданозорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XIII. Шартномани бекор қилиш**

51. Буюртмачи куйидаги холларда шартномани бир томонлама тартибда, Пудратчини ёзма равишида хабардор қилган ҳолда бекор қилиш хуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёrlари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда.

Бундан ташкари Буюртмачи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

52. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечикирилган тўлов суммасининг **30 фоизидан ошмаслиги лозим.**

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **15 фоизи** миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **30 фоизидан ошмаслиги лозим.**

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,2 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **30 фоизидан ошмаслиги керак.**

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тартиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **20 фоизи** миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Намангандан туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчι томонга сотиш ёки бериш ҳукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугугандан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий харакатларни содир қиласиликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижрои органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий кийматликлар олинишига йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган З нусхада тузилди.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

Наманган вилояти хокимлигининг ягона  
буюртмачи инжиниринг компанияси

Манзил: Наманган ш. Амир Темур к. 105  
Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги фазначилиги  
Ш.х.в\* 100021860144017069805110002  
ИНН 204 808 298 ОКЭД 70220

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар  
бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса Маркази  
Ягона газна х/в 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014 ИНН 201 122 919

Матмусаев Диодод Махамматюсупович

М.И.С. (Изм.)

«Лочин таъмир қурилиш сервис» МЧЖ

Манзил: Наманган ш. 6-камалак куча 2пр 2-уй.

Тел: 94-276-62-26

х/р 2020 8000 3045 3891 4001

АТБ Узсаноатқурилиш банк Наманган фил.

МФО 00224, ИНН 206781436 ОКЭД41202

Насимов Султонхон

Ушунз

Хукукий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хукукий экспертиза қилиб, шартнома лойихаси қонунчилик хужжатларига мос келишилигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания хукукий маслаҳатчиси  К.Тулашев «\_\_\_» 2022 й.





№16/24/0331

Қурилиш-монтаж қалтисликларини  
мажбурий сугурталаш  
ПОЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 феврал кунида берилган СФ серияли ва 00028-сонли Лицензия асосида фаолият юритувчи, куйида «Сугурталовчи» деб аталаувчи "GROSS Сугурта компанияси" АЖ ушбу билан 14.05.2022 йил даги 16/24/0331-сонли Қурилиш-монтаж таваккалчиликларини мажбурий сугурталаш шартномаси (куйида- Сугурта шартномаси) бўйича мажбуриятлари кучга кирганилгни тасдиқлади.


СУГУРТА КИЛДИРУВЧИ	"LOCHIN TA'MIR QURILISH SERVIS" MCHJ
Юридик манзил	Наманган шахри 6-Камалак 2 пр 2-й
Қурилиш майдони манзили (СУГУРТА ҲУДУДИ):	Наманган вилояти Наманган шахрида жойлашган Мангалик кабристонида шийлон куриш ва ободонлаштириш
ЖАМИ СУГУРТА ПУЛИ	311 232 410,00 (уч юз ўн бир миллион икки юз ўттиз икки минг тўрт юз ўн ) сўм
Сугурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидағи фуқаролик жавобгарлиги қалтислиги бўйича сугурта товони лимити	100 000 000,00 (бир юз миллион) сўм
Бир ҳодиса бўйича сугурта товони лимити	10 000 000,00 (ун миллион) сўм
Сугурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш харажатлари	сугурта пулининг 2% дан ошмаган миндорда
СУГУРТА ҲОДИСАСИ	сугурта шартномасининг шартларига мувофиқ.
СУГУРТА МУДДАТИ	14.05.2022 йилдан 01.09.2022 йил гача
СУГУРТА МУКОФОТИ	863 276,00 (саккиз юз олтиши уч минг икки юз етмиш олти) сўм
МАХСУС ШАРТЛАР	Сугурта шартномасининг шартларига мувофиқ, сугурта мукофоти ўз вақтидан кейин тўланган тақдирда Сугурта шартномаси (Сугурталовчининг мажбуриятлари) келишилган сугурта мукофоти тўланган пайтдан бошлаб кучга киради.

СУГУРТАЛОВЧИ НОМИДАН

Наманган филиал директори

Хошимов А.А.

Полис берилган сана: 14.05.2022 йил



Микозларни кўллаб-кувватлаш маркази – сутка давомида ишлайдиган ягона телефон рақами 1166.

0269687

\*Полис бланки химояланган





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail: namexpert@umail.uz www.mc.uz [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Ijobiy

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich

Sana: 11-04-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 35940**

**Obyekt nomi** «Namangan shahrida joylashgan “Mangulik” qabristonida shiypon qurilishi va obodonlashtirish»

**Buyurtmachi** - Namangan viloyat hokimligining Yagona buyurtmachi injiniring kompaniyasi

**Bosh loyihachi** - “ZAMIN DIZAYN” MCHJ

**Litsenziya** AL-001084 29.06.2020 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan

**Moliyalashtirish manbai** - Budget

**Bosh pudratchi** - Tanlov asosida

**Qurilish turi** Yangi qurilish

**Murojaat raqami:** № 35025

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. Xalq deputatlari Namangan viloyati Kengashining 24.01.2022 yildagi VI-29-4-6-0-Q/22-sonli qarori.

1.2. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan va Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi bilan kelishilgan loyiha topshirig'i.

1.3. Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi tomonidan berilgan 28.02.2022 yildagi 1714-1714401-37532-sonli arxitektura rejalashtirish topshirig'i.

1.4. Loyerha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 16.03.2022 yildagi 5-sonli shartnoma.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. “Ishchi loyiha”ni ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujjatlari:

- Umumiy tushuntirish yozuvi.
- Shiypon. Arxitektura va qurilish qismi.
- Bosh reja.
- “TA'MIR IJODIY USTAXONA” ShK tomonidan 2022 yilda ishlab chiqilgan milliy uslubdagi ayvon yog'och konstruksiyalarni tayyorlash va o'rnatish uchun smeta hujjatlari.
- Smeta hujjatlari.

- "AJDODLAR MADANIY MEROJI" MChJ tomonidan berilgan 30.03.2022 yildagi 15-sonli jamlangan ekspertiza xulosasi.

### **3. Loyihalarining qisqacha mazmuni**

#### **3.1. Qurilish uchastkasi tavsifi.**

Loyihalanayotgan shiypon Namangan shahar "Mangulik" qabristoni hududida joylashgan bo'lib, tanlangan joy IV-iqlimi sharoitga to'g'ri keladi. Zilzilaga bardoshliligi bo'yicha - 8 ball. Tashqi havo harorati - 14°s. Me'yoriy qor yuklamasi - 0,50 kPa va shamol yuklamasi - 0,38 kPa. Yerni tuzilish relef - tekis.

#### **3.2. Bosh reja.**

"Mangulik" qabristoni hududida joylashgan: mavjud bino va inshootlar hamda loyihalanayotgan shiypon.

#### **3.3. Loyihaning asosiy yechimlari.**

##### **1. Shiypon.**

Shiypon - to'g'ri to'rtburchak shaklni tashkil etib, "A-B" va "1-5" o'qlar bo'yicha 5,0mx8,0m, shiypon balandligi - 5,3 m.

##### **Konstruktiv yechimi.**

Poydevor - yaxlit quyma temir-betondan, beton markasi V15.

Ustunlar - Ø 100mm bo'lgan metall quvurlardan va ustidan milliy uslubdagi yog'och naqshinkor qoplama.

Tomyopma - metall fermalar.

Tom - yog'och reykali to'qima asosida profnastil qoplama.

*Shift – milliy uslubdagi ayvon yog'och naqshinkor yog'och qoplama.*

*Pol – bruschatka.*

##### **2. Obodonlashtirish.**

Loyihada beton plitkadan piyodalar zonasiga uchun jami 85,6 m<sup>2</sup> yo'laklar qurish va 174 metr beton bordyur o'rnatish ko'zda tutilgan.

#### **3.4. Qurilish davomiyligi.**

Qurilish davomiyligi - 1 oy.

### **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

#### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

- "AJDODLAR MADANIY MEROJI" MChJning 30.03.2022 yildagi 15-sonli jamlangan ekspertiza xulosasi.

#### **6. Ekspertiza natijalari.**

6.1. Ekspertiza jarayonida mutaxassislarning izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy

tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

- 6.1.1. Poydevor rejada balandlik satxlari – ko'rsatildi.
- 6.1.2. Loyihada pol qatlami – ko'rsatildi va tugun – berildi.
- 6.1.3. Metall fermalarni mahkamlash uchun progon – ko'zda tutildi.
- 6.1.4. Metall konstruksiyalar uchun korroziyaga qarshi chora tadbirlar – ko'rsatildi.
- 6.1.5. Metall fermalar chizmasi – o'zgartirildi.

6.2. Ekspertiza natijalariga ko'ra qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) va buyurtmachining boshqa xarajatlari bilan loyiha qiymati **333466,372 ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Qurilish-montaj ishlari:	273412,010	ming so'm
QQS:	41011,802	ming so'm
Buyurtmachining boshqa xarajatlari:	19042,560	ming so'm

6.3. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'Ichovi natijalari asosida aniqlanadi.

6.4. Buyurtmachi loyiha hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.5. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

## 7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Namangan shahrida joylashgan "Mangulik" qabristonida shiypon qurilishi va obodonlashtirish" ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

**Bosh mutaxassis:** Abdunazarov Nemadjon Abdurazakovich